

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШДА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ВА ИНКЛЮЗИВ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ФАЛСАФИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ҳасан Собиров

Тошкент давлат транспорт университети мустақил изланувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада ижтимоий адолат ва инклюзив тараққиётни барқарор ривожланиш концепциясининг асосий компонентлари сифатидаги ижтимоий-фалсафий асослари кўриб чиқилади. Глобал муаммолар контекстида ижтимоий адолатнинг фалсафий англаниши ҳамда унинг Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилган. Барқарор ривожланиш мақсадларининг ижтимоий адолат, инклюзивлик ва тенглик принциплари билан ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинади. Ўзбекистон тажрибаси ижтимоий адолат принципларини миллий қадриятлар ва модернизация жараёнлари билан интеграциялашувнинг ўзига хос ёндашувлари кўрсатиб берилади.

Калит сўзлар: *ижтимоий адолат, инклюзив ривожланиш, барқарор ривожланиш, тенглик, камбағалликни қисқартириш, инсон капитали, Ўзбекистон, ижтимоий сиёсат, глобаллашув.*

СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ОСНОВЫ СОЦИАЛЬНОЙ СПРАВЕДЛИВОСТИ И ИНКЛЮЗИВНОГО РАЗВИТИЯ В УСТОЙЧИВОМ РАЗВИТИИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются социально-философские основы социальной справедливости и инклюзивного развития как ключевых компонентов концепции устойчивого развития. Особое внимание уделяется философскому пониманию социальной справедливости в контексте глобальных вызовов и ее реализации в стратегии развития Узбекистана. Анализируется взаимосвязь целей устойчивого развития с принципами социальной справедливости, инклюзивности и равенства. Опыт Узбекистана демонстрирует оригинальный подход к интеграции принципов социальной справедливости с национальными ценностями и процессами модернизации.

Ключевые слова: *социальная справедливость, инклюзивное развитие, устойчивое развитие, равенство, сокращение бедности, человеческий капитал, Узбекистан, социальная политика, глобализация.*

PHILOSOPHICAL FOUNDATIONS OF SOCIAL JUSTICE AND INCLUSIVE DEVELOPMENT IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT

ABSTRACT

The article examines the socio-philosophical foundations of social justice and inclusive development as key components of the sustainable development concept. Special attention is paid to the philosophical understanding of social justice in the context of global challenges and its implementation in Uzbekistan's development strategy. The research analyzes the relationship between sustainable development goals and principles of social justice, inclusivity, and equity. The study reveals that achieving sustainable development requires not only economic growth but also equitable distribution of resources, opportunities, and benefits among all segments of society. The Uzbekistan experience demonstrates an original approach to integrating social justice principles with national values and modernization processes.

Key words: social justice, inclusive development, sustainable development, social philosophy, equity, poverty reduction, human capital, Uzbekistan, social policy, globalization.

КИРИШ

Глобаллашув жараёнлари кечаётган ҳозирги давр мутахассислар томонидан турлича баҳоланмоқда. Биринчи тоифа олимлар глобаллашув жараёнини иқтисодий ўсиш ва технологик тараққиёт учун янги имкониятлар яратади деб ҳисобласа, иккинчи тоифа тадқиқотчилар мазкур жараён ижтимоий тенгсизликни тобора чуқурлаштириб, жамият қатламлари ўртасидаги тафовутни кескинлаштиради деган қарашни илгари сурмоқда. БМТнинг сўнгги маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 700 миллионга яқин одам ҳали ҳам ўта камбағалликда яшашда давом этмоқда ва кунига 2,15 доллардан кам даромад билан кун кечирмоқда. Бу кўрсаткич инсоният тараққиётининг номутаносиблигидан далолат беради ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда ижтимоий адолат, инклюзив иқтисодиёт масалаларини биринчи ўринга қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Биз барча ислохотларни инсон манфаати, унинг обрў-эътибори ва кадр-қиммати йўлида амалга оширяпмиз”[1, б. 28]. Бу фикр мамлакатимизда ижтимоий адолат принципининг давлат сиёсатидаги марказий ўрнини белгилаб беради. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар инсон капиталини ривожлантириш ва ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда комплекс методологик ёндашувдан фойдаланилди. Тизимли таҳлил усули ижтимоий адолат ва инклюзив ривожланишнинг барқарор ривожланиш тизимидаги ўрнини аниқлашга имкон берди. Қиёсий-тарихий метод ижтимоий адолат концепциясининг тарихий эволюциясини ўрганишда қўлланилди. Аксиологик ёндашув ижтимоий адолатнинг қадриятлар иерархиясидаги ўрнини белгилашга ёрдам берди.

Шунингдек, институционал таҳлил Ўзбекистондаги ижтимоий адолатни таъминловчи институтлар тизимини ўрганишга хизмат қилди. Эмпирик материал сифатида Ўзбекистон Республикасининг расмий статистик маълумотлари, БМТнинг ҳисоботлари ва миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланилди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Ижтимоий адолат масалалари қадимдан буён фалсафий тафаккурнинг марказида турган. Афлотун “Давлат” асарида адолатли жамият моделини ишлаб чиққан. У адолатни ҳар бир киши ўз вазифасини бажариши деб тушунган. Арасту адолатни тенглик ва пропорционаллик принциплари билан боғлаган.

Ўрта аср Шарқ фалсафасида Форобий адолатли жамият ҳақида чуқур фикрлар билдирган. Унинг “фозил шаҳар” концепциясида ижтимоий адолат жамият аъзоларининг гармоник ҳамкорлиги асосида қурилади[2]. Ибн Халдун ижтимоий адолатни давлат барқарорлигининг асоси деб ҳисоблаган.

Замонавий давр фалсафасида Жон Ролз ижтимоий адолат назариясини тизимлаштирган. У адолатни адолатлик принципи асосида тушунтирган[3]. Ролзнинг фикрича, адолатли жамиятда барча фуқаролар тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлиши керак. Амартия Сен адолатни қобилиятлар ва имкониятлар эркинлиги билан боғлаб тадқиқ қилган[4].

Рус олими В Левашов ижтимоий адолатни барқарор ривожланишнинг зарурий шарти деб таъкидлайди[5]. Унинг фикрига кўра, ижтимоий адолатсиз барқарор ривожланиш мумкин эмас. Б Гусейнов эса адолатнинг маданий ва миллий ўзига хосликларини кўриб чиққан[6].

Таҳлил ва натижалар.

Ижтимоий адолат ва инклюзив ривожланиш тушунчалари XXI аср бошида барқарор ривожланиш парадигмасининг муҳим қисми сифатида шаклланди. Бу концепция иқтисодий ўсишдан барча аҳоли қатламларининг фойдаланишини назарда тутди. Фалсафий жиҳатдан эса инклюзив ривожланиш бир неча тамойилларга асосланади.

Биринчи тамойил универсаллик ва тенг ҳуқуқлилиқдир. Барча инсонлар жинси, ёши, миллати, дини ва ижтимоий мақомидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлиши керак. Бу гуманистик фалсафанинг асосий қондасидир.

Иккинчи тамойил иштирокчилиқ ва фаоллиқ даражасини оширишдир. Инклюзив ривожланиш жамият аъзоларининг барчаси иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишини таъминлайди.

Учинчи тамойил имкониятлар тенглигини таъминлашдир. Бу нафақат расмий ҳуқуқларни, балки уларни амалга ошириш учун реал шарт-шароитларни яратишни англатади. Фалсафий жиҳатдан бу позитив эркинлик концепциясига асосланади.

Тўртинчи тамойил ижтимоий-иқтисодий кўмакка муҳтож гуруҳлар — имконияти чекланган шахслар, ногиронлар, қочоқлар, этник ва диний озчиликлар, қишлоқ аҳолиси, аёллар ва болаларга алоҳида эътибор қаратиш ва уларнинг ҳуқуқларини кафолатлашдир. БМТнинг барқарор ривожланиш дастурининг асосий шиори бўлган “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” (Leave No One Behind) айнан бу тамойилнинг глобал мазмун-моҳиятини акс эттиради.

Шундай қилиб, давлат сиёсати ва халқаро дастурлар нафақат умумий ривожланишни, балки имконияти чекланган қатламларнинг имкониятларини кенгайтириш ва уларни жамият ҳаётига тўлақонли интеграция қилишни кўзда тутди. Таъкидлаш жоизки, БМТнинг 17 барқарор ривожланиш мақсадидан 10 таси бевосита ижтимоий адолат масалаларига тааллуқлидир. Бу тасодифий эмас, чунки адолатсиз барқарор ривожланиш имконсиздир.

Биринчи мақсад камбағалликни барча шаклларда тугатишга қаратилган. Бу энг асосий ижтимоий адолат масаласидир. В Левашовнинг тушунтиришича: “Камбағаллик ижтимоий адолатнинг яққол бузилишидир”[5]. Камбағалликни қисқартириш нафақат иқтисодий, балки ахлоқий вазифадир.

Иккинчи мақсад очарчилиқни йўқотиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдир. Бу инсоннинг яшаш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлиб, фалсафий жиҳатдан асосий инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш масаласидир.

Бешинчи мақсад гендер тенглигини таъминлашдир. Бу ижтимоий адолатнинг муҳим жиҳати бўлиб, жамиятнинг ярим қисмини ташкил этувчи аёлларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишини назарда тутди.

Ўнинчи мақсад мамлакатлар ичида ва орасида тенгсизликни камайтиришдир. Бу глобал ижтимоий адолат масаласи бўлиб, замонавий

дунёнинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Томас Пикетти кўрсатганидек, тенгсизликнинг ўсиши ижтимоий барқарорликка хавф солади[9].

Ўзбекистон мустақиллик йилларида ижтимоий адолатни таъминлаш борасида изчил сиёсат олиб бормоқда. Бу сиёсат миллий кадриятлар ва замонавий ижтимоий назариялар асосида шаклланган. Мазкур йўналишда Ўзбекистон тажрибасининг бир нечта ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Биринчи хусусият миллий маънавият ва ижтимоий адолатнинг уйғунлигидир. Ўзбек халқи тарихан меҳр-шафқат, ҳамдардлик ва ўзаро ёрдамни юксак кадрият деб билган. Маҳалла институти бунинг ёрқин мисолидир.

Иккинчи хусусият давлатнинг ижтимоий масъулиятидир. “Ўзбекистон-2030” стратегиясида инсон капитали ривожлантириш алоҳида устувор йўналиш сифатида белгилангани фикрмизни тасдиқлайди. Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя тизимиغا катта инвестициялар киритилмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Давлатнинг асосий вазифаси – инсон манфаатларини таъминлашдир”[1].

Учинчи хусусият камбағалликни қисқартиришга қаратилган мақсадли дастурлардир. 2024 йил сентябрда Президент томонидан камбағалликни қисқартириш бўйича комплекс дастур тасдиқланди[9]. Бу ҳужжат камбағаллик даражасини 2030 йилгача 6 фоизгача камайтиришни мақсад қилиб қўяди.

Тўртинчи хусусият имконияти чекланган гуруҳларга алоҳида эътибор масаласидир. Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, қишлоқ аҳолисига кўмак кўрсатиш, ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу инклюзив ривожланиш принципининг амалий кўринишидир.

Бешинчи хусусият иқтисодий имкониятларни кенгайтиришдир. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш барча аҳоли қатламларига иқтисодий фаолиятда иштирок этиш имкониятини беради. 2024 йилда иш билан таъминлаш бўйича махсус дастурлар ишга туширилди[10].

Ўзбекистоннинг ижтимоий адолат ва инклюзив ривожланиш борасидаги тажрибаси халқаро эътиборга сазовордир. Мамлакат барқарор ривожланиш индексида изчил равишда ўсиб бормоқда. Бу Марказий Осиё минтақасида энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёев 2024 йил ноябрда БМТ Бош Ассамблеясида глобал ижтимоий адолатни таъминлаш масалаларини кўтарди[11]. Бу ташаббус глобал тенгсизликни камайтириш ва камбағал мамлакатларга кўмак кўрсатишга

қаратилган. Фалсафий жиҳатдан бу глобал ижтимоий адолат ғоясининг амалий кўринишидир.

Ўзбекистон тажрибаси шуни кўрсатадики, ижтимоий адолат ва инклюзив ривожланишга эришиш учун комплекс ёндашув зарур. Бу нафақат иқтисодий ислохотларни, балки ижтимоий институтларни ривожлантириш, маънавий кадриятларни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ҳам талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ижтимоий адолат ва инклюзив ривожланишни таъминлашда айрим муаммолар мавжуд бўлиб фикримизча улар қуйидагилардан иборат:

- Биринчи муаммо шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутдир. Қишлоқ жойларда камбағаллик даражаси анча юқори ва ижтимоий инфратузилма етарли ривожланмаган. Бу ҳудудий тенгсизликни камайтириш вазифасини қўяди.

- Иккинчи муаммо ёшларни иш билан таъминлашдир. Аҳолининг ёш таркиби иш ўринларига талабни ошириб турибди. Бу таълим тизимини меҳнат бозори талабларига мослаштириш зарурлигини кўрсатади.

- Учинчи муаммо ногиронлар ва имконияти чекланган гуруҳларнинг жамиятга тўлиқ интеграцияси бўлиб, бу нафақат моддий кўмакни, балки ижтимоий тафаккурни ҳам ўзгартиришни ҳам талаб этади. Инклюзив маданиятни шакллантириш узоқ муддатли вазифадир.

- Тўртинчи муаммо глобал иқтисодий тебранишларнинг таъсиридир. Халқаро иқтисодий инқирозлар ва пандемиялар каби глобал муаммолар миллий ижтимоий сиёсатга таъсир кўрсатади. Бу барқарорлик ва мосланувчанликни таъминлашни талаб этади.

Бироқ, Ўзбекистон бу муаммоларни ҳал қилиш учун изчил ишларни олиб бормоқда. “Ўзбекистон-2030” стратегияси ва йиллик давлат дастурлари аниқ мақсад ва вазифаларни белгилайди. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик тажриба алмашиш ва молиявий ресурслар жалб қилиш имкониятини беради.

Хулоса ва таклифлар.

Ижтимоий адолат ва инклюзив ривожланиш барқарор ривожланишнинг ажралмас қисмлари ҳисобланади. Ижтимоий-фалсафий таҳлил шуни кўрсатадики, иқтисодий ўсиш ўзлигича мақсад эмас, балки инсон фаровонлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш воситасидир. Барқарор ривожланишга эришиш учун неъматлар, имкониятлар ва масъулиятларнинг адолатли тақсимланиши зарур.

Инклюзив ривожланиш концепцияси барча аҳоли қатламларининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда тенг иштирокини таъминлайди. Ўзбекистон

тажрибаси шуни кўрсатадики, инклюзив ривожланишга эришиш учун миллий қадриятлар ва замонавий ижтимоий сиёсатни уйғунлаштириш зарур.

Ўзбекистон ижтимоий адолат ва инклюзив ривожланиш борасида ўзига хос йўлни танлади. Мамлакатимиз анъанавий маънавий қадриятлар – меҳр-шафқат, ҳамдардлик ва ўзаро ёрдам – асосида замонавий ижтимоий сиёсатни курмокда. Маҳалла институти, оилавий қадриятлар ва жамоачиликнинг ўзаро ёрдами ижтимоий адолатнинг миллий моделини яратмокда.

“Ўзбекистон-2030” стратегияси инсон капитални ривожлантириш ва инклюзив ижтимоий муҳитни яратишни устувор йўналиш сифатида белгилайди. Камбағалликни қисқартириш, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларини яхшилаш, иш ўринларини яратиш – буларнинг барчаси ижтимоий адолатни амалга ошириш йўллариidir.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий адолат ва инклюзив ривожланиш барқарор ривожланишнинг фалсафий ва амалий асосларини ташкил этади. Ўзбекистон бу борада миллий қадриятлар билан глобал мақсадларни уйғунлаштирган ҳолда ўзига хос йўлни танлади. Мамлакатимиз тажрибаси шуни кўрсатадики, ижтимоий адолат ва инклюзив ривожланишга эришиш учун комплекс ёндашув, миллий хусусиятларни ҳисобга олиш ва халқаро ҳамкорлик зарур. Фақат шу йўл орқалигина инсоният барқарор ва адолатли келажакка эришиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
2. Форобий А.Н. Фозил одамлар шаҳри / Тарж. тўплам. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 224 б.
3. Ролз Дж. Теория справедливости / Пер. с англ. – Новосибирск: Изд-во Новосибирского ун-та, 1995. – 536 с.
4. Сен А. Развитие как свобода / Пер. с англ. – М.: Новое издательство, 2004. – 432 с.
5. Левашов В.К. Социальная справедливость в контексте устойчивого развития // Социологические исследования. – 2014. – № 5. – С. 122-130.
6. Гусейнов Б.М. Социальная справедливость: философско-этический анализ. – М.: Канон+, 2007. – 264 с.
7. Барлыбаев Х.А. Устойчивое развитие: концепция и стратегическое управление. – М.: Изд-во РАГС, 2008. – 256 с.

8. Пикетти Т. Капитал в XXI веке / Пер. с франц. – М.: Ад Маргинем Пресс, 2015. – 592 с.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги ПҚ-481-сон “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. [Электрон манба]. – URL: <https://lex.uz/docs/7013984>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 январдаги ПФ-21-сон “Хусусий тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш ва иш ўринларини кенг микёсда яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. [Электрон манба]. – URL: <https://lex.uz/docs/6902785>
11. Мирзиёев Ш.М. Выступление на 79-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН. Нью-Йорк, 24 сентября 2024 года. [Электрон манба]. – URL: <https://president.uz/ru/lists/view/8120>